

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР
ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

55 **Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида
ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш» авиа-
ция қоидаларини (ЎЗР АҚ-71) тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2194*

(2011 йил 20 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ИКАОнинг стандартлари ва тавсияларини инobatга олган ҳолда такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш» авиация қоидалари (ЎЗР АҚ-71) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 9 декабрь,
136-сон

Ўзбекистон Республикаси
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
бўйича давлат инспекцияси бошлигининг
2010 йил 9 декабрдаги 136-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида
ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш»
АВИАЦИЯ ҚОИДАЛАРИ (ЎЗР АҚ-71)**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 февралдаги 90-сон «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун

ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 8-сон, 99-модда) ва ИКАОнинг халқаро стандартлари ва тавсия этилган амалиётига мувофиқ фуқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1-§. Асосий қисқартмалар ва тушунчалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги қисқартмалар қўлланилади:

АТМУ — автоматик тарзда маълумотларни узатиш;

ВПҚ — визуал парвоз қоидалари;

ЖЮЧ — жуда юқори частоталар;

ИКАО — халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти;

ПҚМР — парвоз қилиш маълумотлари райони;

УҚЙ — учиш-қўниш йўлкаси;

УБПҚҚ — усқуналар бўйича парвоз қилиш қоидалари;

ЎАНМ — «Ўзаэронавигация» маркази;

ХК — ҳаво кемаси;

ХТҚБ — ҳаво транспорти қатновини бошқариш;

ХТҚХК — ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аэродром диспетчерлик пункти — аэродром ҳаракатига диспетчерлик хизматини кўрсатиш учун тайинланган орган;

автоматик тарзда маълумотларни узатиш тизими (АТМУ) — учиб келаётган ва учиб кетаётган ҳаво кемаларига белгиланган жорий маълумотларни кеча-кундуз давомида ёки сутканинг белгиланган маълум бир вақтида автоматик тарзда тақдим этиш;

диспетчерлик рухсати — ҳаво кемасига ХТҚХК органлари томонидан белгиланган шартлар асосида ҳаракатланиш учун берилган рухсат;

назорат қилинадиган самовий ҳудуд — парвозларни диспетчерлик хизматлари билан таъминлайдиган, маълум ўлчамларда белгиланган Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудуди (бундан буён матнда самовий ҳудуд деб юритилади);

назорат қилинадиган аэродром — аэродромдаги ҳаракатга диспетчерлик хизмати таъминладиган аэродром;

назорат қилинадиган парвоз — диспетчерлик рухсати мавжуд бўлганда бажариладиган ҳар қандай парвоз;

парвоз-маълумотлари маркази — парвоз-маълумотлари хизматини кўрсатилишини ва авария ҳақида хабар бериш хизматини таъминлаш учун мўлжалланган орган;

район диспетчерлик маркази — ўзининг юрисдикцияси остида бўлган, диспетчерлик районларида назорат қилинадиган парвозларга диспетчерлик хизматини таъминлаш учун мўлжалланган орган;

район диспетчерлик хизмати — диспетчерлик районларида назорат

қилинадиган парвозларга диспетчерлик хизматини кўрсатилиши таъминладиган самовий ҳудуд;

ҳаво транспорти қатнови оқимларини ташкил этиш хизмати — ҲТҚХКнинг ваколатли органи томонидан маълум қилинган, ҳаводаги ҳаракатни ўтказиш лаёқатига мувофиқлиги ва имкон даражасида ҲТҚБни ўтказиш лаёқатини таъминлаш учун ҳаво транспорти қатнови оқимини тартибга солиш ва тезлаштириш, хавфсизлигига кўмаклашиш мақсадида тузиладиган хизмат;

ҳаво транспорти қатновини бошқариш (ХТҚБ) — манёврлаш майдонидаги ҳаво кемаларини тўсиқлардан сақлаш, шунингдек ҳаво кемалари ўртасида тўкнашувлар содир бўлишини олдини олиш мақсадида ҳамда ҳаводаги ҳаракатланишни тартибга солиш ва тезлаштириш мақсадида кўрсатиладиган хизмат;

яқинлашишга диспетчерлик хизмати — учиб келадиган ёки учиб кетадиган назорат қилинувчи ҳаво кемаларига диспетчерлик хизматини кўрсатиш.

2-§. ҲТҚХКни таъминлаш бўйича вакиллик органи

3. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҲТҚХКнинг вакиллик органи бўлиб ЎАНМ ҳисобланади.

4. ЎАНМ «Даваианазорат» инспекцияси билан келишилган ҳолда самовий ҳудудда ҳаво транспорти қатновини ташкиллаштирилишини, диспетчерларнинг ҲТҚБнинг намунали иш технологияларини, ҲТҚХК хизмати мутахассисларининг профессионал тайёргарлигига бўлган талабларни, ҲТҚХК тизими усулларини, жараёнларини ва ўтказиш лаёқатининг нормативларини, шу жумладан ҲТҚХК тизимининг лозим даражада ишлашини таъминлаш учун зарур бўлган ходимлар сони миқдорини белгилайди ҳамда Даваианазорат томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган ҲТҚХК диспетчерларини бошланғич тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқади.

5. ЎАНМ чегарадош давлатлар билан ҲТҚХКнинг чегарадош органлари билан ҲТҚХКни ўзаро мувофиқлаштириш учун ИКАОнинг халқаро стандартлари ва тавсия этилган амалиёти ҳажмида тезкор суратда ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича қўшимча қилинадиган иловаларига мувофиқ белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилишнинг иш тартиби тўғрисидаги келишувларни тузади.

6. ЎАНМ томонидан белгиланадиган, шу жумладан ҲТҚХКдан фойдаланиш бўйича самовий ҳудудлардан фойдаланувчилар учун барча зарур бўлган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг аэронавигацион маълумотлар тўпламида нашр қилинади.

3-§. ҲТҚХКнинг вазифалари

7. Қуйидагилар ҲТҚХКнинг вазифалари бўлиб ҳисобланади:

назорат қилинадиган самовий ҳудуддаги ХКларнинг ўзаро тўқнашуви-ни олдини олиш;

манёврлаш майдонида ХКлари билан ушбу майдонда мавжуд бўлган тўсиқлар ўртасидаги тўқнашувларни олдини олиш;

ҳаво транспорти қатнови оқимини тезлаштириш ва бир маромда тартибга солиш;

парвозларнинг амалга оширилиши хавфсизлигини ва самарадорлигини таъминлаш учун зарур бўлган консултация ва маълумотларни тақдим этиш;

қидирув-кутқарув хизматлари ёрдамига муҳтож бўлган ХКлари тўғрисида тегишли ташкилотларга хабар бериш, бундай ташкилотларга зарур ёрдам кўрсатиш.

4-§. ХТҚХК турлари

8. ХТҚХКнинг қуйидаги турлари мавжуд:

ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизматини кўрсатиш;

парвоз-маълумотлари хизмати;

авария ҳақида хабар бериш хизмати.

9. Ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизматини кўрсатиш мазкур Қоидаларнинг 7-банди иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган вазифаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган бўлиб, қуйидаги қисмларга бўлинади:

район диспетчерлик хизмати;

яқинлашишга диспетчерлик хизмати;

аэродром диспетчерлик хизмати.

10. Парвоз-маълумотлари хизмати бу парвозлар самарадорлигини ва хавфсизлигини таъминлаш учун консултациялар ва маълумотларни тақдим этиш учун мўлжалланган хизматдир.

11. Авария ҳақида хабар бериш хизмати бу қидирув-кутқарув органлари ёрдамига муҳтож бўлган ХК тўғрисида тегишли ташкилотларга хабар бериш, бундай ташкилотларга зарур ёрдам кўрсатишга мўлжалланган хизматдир.

5-§. ХТҚХК эҳтиёжларини аниқлаш

12. ХТҚХКнинг эҳтиёжлари ҳаво транспорти қатновининг турлари, интенсивлиги ва шу каби бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

6-§. ХТҚХК таъминлаётган самовий ҳудудлар қисмларини ва нazorат қилинадиган аэродромларни аниқлаш

13. ХТҚХК турларига мувофиқ самовий ҳудуд қисмлари ва аэродромлар қуйидагиларга бўлинади:

ПҚМР;

диспетчерлик районлари ва диспетчерлик зоналари. Агар диспетчерлик райони ёки диспетчерлик зонаси ПҚМР чегараларида аниқланса, улар ушбу ПҚМРнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади;
назорат қилинадиган аэродромлар.

7-§. Самовий ҳудуд таснифи

14. Самовий ҳудуд қуйидаги тарзда таснифланади:

«А» класс. Фақат УБПҚҚ бўйича парвоз қилишга рухсат берилади, барча ҲКларига диспетчерлик хизмати таъминланади ва эшелонлаштирилади;

«В» класс. УБПҚҚ ва ВПҚ бўйича парвоз қилишга рухсат берилади, барча ҲКга диспетчерлик хизмати таъминланади ва эшелонлаштирилади;

«С» класс. УБПҚҚ ва ВПҚ бўйича парвоз қилишга рухсат берилади, барча ҲКлари диспетчерлик хизмати билан таъминланади, УБПҚҚ бўйича парвозларни бажарувчи ҲК УБПҚҚ ва ВПҚ бўйича парвозларни бажарувчи бошқа ҲКларига нисбатан эшелонлаштирилади. ВПҚ бўйича парвозларни бажарувчи ҲК, УБПҚҚ бўйича парвозларни бажарувчи ҲКга нисбатан эшелонлаштирилади ва ВПҚ бўйича парвозларни бажарувчи бошқа ҲКларига нисбатан ҳаракат тўғрисида маълумотни олади;

«Д» класс. УБПҚҚ ва ВПҚ бўйича парвоз қилишга рухсат берилади ва барча ҲКлари диспетчерлик хизмати билан таъминланади, УБПҚҚ бўйича парвозларни бажарувчи ҲК УБПҚҚ бўйича парвозларни бажарувчи бошқа ҲКларига нисбатан эшелонлаштирилади ва ВПҚ бўйича парвозларни бажарувчи ҲКларига нисбатан ҳаракат тўғрисидаги маълумотни оладилар, ВПҚ бўйича парвозларни бажарувчи ҲКлари бошқа барча ҲКларига нисбатан ҳаракат тўғрисида маълумотни оладилар;

«Е» класс. УБПҚҚ ва ВПҚ бўйича парвоз қилишга рухсат берилади, УБПҚҚ бўйича парвозни бажарувчи ҲК, шундай парвозни бажарувчи бошқа ҲКга нисбатан диспетчерлик хизмати билан таъминланади ва эшелонлаштирилади. Барча ҲКлар имкон даражасида ҳаракат тўғрисидаги маълумотни оладилар. Е класс нazorat қилинадиган зоналарда қўлланилмайди;

«Ф» класс. УБПҚҚ ва ВПҚ бўйича парвоз қилишга рухсат берилади, УБПҚҚ бўйича парвозни бажарувчи барча ҲКларга ҳаво транспорти қатновига консультатив хизмат кўрсатилиши таъминланади ва сўров бўйича барча ҲКларига парвоз-маълумотлари хизмати кўрсатилади;

«Г» класс. УБПҚҚ ва ВПҚ бўйича парвоз қилишга рухсат берилади ва сўров бўйича парвоз-маълумотлари хизмати кўрсатилади.

15. ҲТҚХКнинг самовий ҳудуддаги класслари мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ белгиланади.

16. Самовий ҳудуд класслари ЎАНМ томонидан унинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда танланади.

8-§. ХТҚХКни таъминловчи органларни ташкил этиш ва аниқлаш

17. Самовий ҳудудда ХТҚХКни таъминлаш учун қуйидаги органлар ташкил этилади:

назорат қилинадиган аэродромлар ва диспетчерлик зоналари, диспетчерлик районлари чегараларида ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизмати таъминловчи ХТҚХК органлари;

ПҚМР чегараларида авария тўғрисида хабар бериш ва парвоз қилиш маълумотини кўрсатишни таъминловчи парвоз-маълумотлари марказлари.

9-§. ПҚМР, диспетчерлик районлари ва диспетчерлик зоналарига қўйиладиган талаблар

18. ПҚМР чегаралари ХТҚХК лозим бўлган Ўзбекистон Республикасининг ҳудудини ўз ичига қамраб олиши керак.

19. Диспетчерлик районининг қуйи чегараси, қоида тариқасида, мазкур районнинг қуйи хавфсиз эшелонига (баландлигига) мос келади.

20. Диспетчерлик районининг юқори чегараси ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизмати кўрсатилиши ушбу чегаранинг юқорисида таъминланмаган ёки ПҚМР ундан юқорида жойлашган ҳолларда белгиланади.

21. Диспетчерлик зонаси самовий ҳудуднинг назорат қилинадиган қисми бўлиб ҳисобланади ва аэродромга диспетчерлик хизматини кўрсатиш учун мўлжалланган ҳамда, қоида тариқасида, ер сатҳидан диспетчерлик районининг қуйи чегарасигача белгиланади.

22. Горизонтал текисликдаги диспетчерлик зонасининг чегараси, қоида тариқасида, аэродромнинг назорат қилинадиган нуқтасидан 10 км узоқликдаги қўнишга кириш амалга ошириладиган жой йўналишида белгиланади.

10-§. ХТҚХК органларининг белгиланиши

23. Район диспетчерлик маркази ёки парвоз-маълумотлари маркази, қоида тариқасида, уларнинг яқинида жойлашган аҳоли яшаш пункти ёки шаҳар, туман номи билан белгиланади.

24. Аэродром диспетчерлик пункти ёки яқинлашишга диспетчерлик пункти, қоида тариқасида, у жойлашган аэродромнинг номи билан аталади.

25. Диспетчерлик зонаси, диспетчерлик райони ёки ПҚМР тегишли самовий ҳудудда ХТҚХКни амалга оширувчи органнинг номидан фойдаланиб белгиланади.

11-§. ХТҚХКнинг йўналишларини ўрнатиш ва белгилаш

26. ХТҚХКнинг йўналишларини ўрнатишда ҳар бир ХТҚХКнинг йўналиши бўйлаб химояланган самовий ҳудуд ҳамда қўшни ХТҚХК йўналишлар оралиғида хавфсиз интервал таъминланади.

27. ХТҚХК йўналишларини белгилаш мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ келтирилади, учиш ва қўнишнинг стандарт йўналишлари бундан мустасно.

28. Учиш ва учиб келишнинг стандарт йўналишларини ва уларнинг схемаларини белгилаш мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ келтирилган.

12-§. Асосий нуқталарни ўрнатиш ва белгилаш

29. Асосий нуқталар ХТҚХК йўналишлари ёки қўнишга кириш схемалари учун ва (ёки) ХК парвозига нисбатан бўлган маълумотларга ХТҚХК органларининг эҳтиёжлари бўлганда ўрнатилади.

30. Асосий нуқталарни ўрнатиш ва белгилаш мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

13-§. ХКнинг ерда бурилишида стандарт йўналишларини ўрнатиш ва белгилаш

31. Зарурият бўлганда, УҚЙ, перронлар ва аэродромда ХКга техник хизмат кўрсатиш зоналари оралиғида ХКни ерда бурилиши учун бурилиш стандарт йўналишлари ўрнатилиши мумкин. Бу йўналишлар тўқнашув ҳоллари юзага келмайдиган тарзда ташкил қилиниши керак.

32. ХКнинг ердаги бурилиши стандарт йўналишларини УҚЙ ва ХТҚХК йўналишларини белгилаш индексларидан фарқли индекслар билан белгилаш лозим.

14-§. Давлат авиациясининг ХТҚХК органи билан фуқаро авиациясининг ХТҚХК органи ўртасидаги ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириш

33. Фуқаро авиациясининг ХТҚХК органи давлат авиациясининг ХТҚХК органи билан ўзаро ҳамкорликни келишилган ҳолда амалга оширади.

34. Фуқаро авиациясининг ХТҚХК органи расмий талаб бўйича ёки доимий равишда давлат авиациясининг ХТҚХК органини фуқаро ХКларининг парвозларига тегишли бўлган зарур парвоз режаси ва бошқа маълумотлар билан таъминлайди.

15-§. ХК учун потенциал хавфни юзага келтирувчи фаолиятни мувофиқлаштириш

35. ХК учун потенциал хавфни юзага келтирувчи ҳар қандай фаолият тегишли ХТҚХК органлари билан келишилиши лозим.

36. Келишишнинг мақсади ХКлар учун хавф юзага келишига йўл қўймас-

лик ва бундай ХКларнинг нормал парвозига бўлган тўсиқларни минимумга олиб келиш имконини берадиган шароитни таъминлаш ҳисобланади.

37. ХТҚХК органи самовий ҳудудда ХК парвозларини бажариш учун потенциал хавф юзага келаётганда ушбу фаолиятга тегишли маълумотларни ўз вақтида тарқатилиши учун жавобгардир.

38. Агар ХК учун потенциал хавфни юзага келтирувчи фаолият доимий равишда амалга ошса, у ҳолда барча манфаатдор бўлган томонларни мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун махсус орган ташкил этилади ва ушбу маълумотлар аэронавигацион маълумотлар ҳужжатларида нашр қилинади.

16-§. ХТҚХК органи билан аэронавигацион маълумотлари хизмати ўртасидаги ҳамкорлик

39. Аэронавигацион маълумотлар хизматини маълумотлар билан таъминлаш учун ХТҚХК органи аэронавигацион маълумотлар хизматига зарур бўлган маълумотларни белгиланган тартибда тақдим этади.

17-§. ХТҚХК органи билан метеорологик органи ўртасидаги ҳамкорлик

40. Парвозларни амалга ошириш вақтида ХК экипажини охириги метеорологик маълумотлар билан таъминлаш ХТҚХК органи томонидан метеорологик органлар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

18-§. ХТҚХК органи билан аэродромдаги парвозларни таъминловчи хизматлари ўртасидаги ҳамкорлик

41. Аэродромда парвозлар хавфсизлигини таъминлаш учун ХТҚХК органи билан аэродромдаги парвозларни таъминловчи хизматлар (аэродром, электр, радиотехник, орнитологик, қидирув-қутқарув, авария ва бошқа хизматлар) ўртасида ҳамкорлик амалга оширилади.

ХТҚХК органи билан аэродромдаги парвозларни таъминловчи хизматлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартиби ҳамкорлик бўйича йўриқномалар билан аниқланади.

19-§. Авария ҳолати юзага келган вақтда ХКга хизмат кўрсатиш

42. ХКга нисбатан авария ҳолатида эканлиги, шу жумладан ноқонуний аралашиш ҳаракатлари содир қилинганлиги маълум бўлганда ёки тахмин қилинганда, аниқ ҳолатлардан келиб чиқиб, ушбу ХКга бошқа ХКларига нисбатан максимал эътибор кўрсатилиши, кўмаклашиш ва устунлик берилиши лозим.

43. Иккиламчи обзорга оид радиолакацион қабул қилиш ва жавоб бериш ускунаси билан жиҳозланган ХК авария ҳолатидалиги тўғрисида хабар куйидаги тарзда амалга оширилади:

А режимида 7500 коддини ўрнатиш — ноқонуний аралashiш ҳаракатлари содир бўлганда;

А режимида 7600 коддини ўрнатиш — радиоалоқа йўқотилганда;

А режимида 7700 коддини ўрнатиш — ХКни эгаллаш (ишғол қилиш) ёки авария ҳолати юзага келганда.

44. Авария ҳолатлари вужудга келганда ХТҚХК органлари билан ХКлари ўртасида алоқалар олиб борилаётган вақтда инсон омили аспекти хисобга олиниши лозим.

45. Авария ҳолатлари ёки ноқонуний аралashiш ҳаракатлари содир бўлганда ёки ушбу ҳаракатлар содир қилиниши тахмин қилинганда, ХТҚХК органи ЎАНМ томонидан белгиланган тартиб бўйича ҳаракат қилиши лозим.

46. ХКга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш мақсадида ХТҚХК органлари томонидан 121,5 МГц частотасини эшитиш худудий диспетчерлик марказларида 24 соат давомида, аэродром диспетчерлик пунктларида ва яқинлашишга диспетчерлик пунктларида эса уларнинг иш соатлари вақтида ташкиллаштирилади.

20-§. ХТҚХКдаги вақт

47. Ўзбекистон Республикасида ХТҚХК органлари дақиқалар ва соатларда, зарур ҳолларда, сонияларда ифодаланадиган умумжаҳон мувофиқлаштирилган вақтдан фойдаланадилар.

48. ХТҚХК органлари ҳар бир иш жойидан яхши кўринадиган соатнинг вақтини, дақиқаларини, сонияларини кўрсатадиган соатлар билан жиҳозланади.

49. ХКнинг расмий талаби бўйича ХТҚХК органлари 30 сониягача яқинликдаги аниқлик билан ХК бортига аниқ вақт тўғрисида хабар беради.

21-§. ХТҚХКда парвозлар хавфсизлигини таъминлаш

50. Фуқаро авиациясида парвозлар хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш учун ХТҚХКда парвозлар хавфсизлиги бўйича ЎАНМ томонидан дастур қабул қилинади ҳамда ушбу дастурга мувофиқ парвозлар хавфсизлигини бошқариш тизими белгиланади.

51. ХТҚХКда парвозлар хавфсизлигини лозим даражада таъминлашга таъсир этувчи ХТҚХК тизимидаги ҳар қандай аҳамиятли ўзгариш унга эксперт баҳоси берилиб, ушбу эксперт баҳоси парвозлар хавфсизлиги лозим даражада таъминланганини намоён этганидан сўнг амалга оширилиши мумкин.

22-§. Кутилмаган вазиятларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар

52. ХТҚХКда парвозлар хавфсизлиги бузилишига таҳдид солинганда ёки бузилишларига йўл қўйилганда, кутилмаган вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича ЎАНМ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва нашр қилади. Ушбу чора-тадбирлар режаси ИКАОнинг халқаро стандартлари ва тавсия этилган амалиётига мувофиқ бўлиши лозим.

53. Кутилмаган вазиятларда ҳаракат қилиш чора-тадбирлар режасига тегишли материални ишлаб чиқиш, нашр қилиш ва бажариш мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

II. Ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизматини кўрсатиш

1-§. Ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизматини қўллаш

54. Қўйидагиларга ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизмати қўлланилади:

самовий ҳудуднинг «А», «В», «С», «D», «Е» классларидаги УБПҚҚ бўйича барча парвозларга;

самовий ҳудуднинг «В», «С» ва «D» класслардаги ВПҚ бўйича барча парвозларга;

ВПҚ бўйича барча махсус парвозларга;

назорат қилинадиган аэродромлардаги аэродром ҳаракатининг барча турларига.

2-§. Ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизматини таъминлаш

55. Ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизмати қўйидаги органлар томонидан таъминланади:

район диспетчерлик хизмати — район диспетчерлик маркази томонидан ёки диспетчерлик зонасида ёхуд чегараланган ўлчамлардаги районда яқинлашишга диспетчерлик хизматини таъминлайдиган орган томонидан;

яқинлашишга диспетчерлик хизмати — аэродром диспетчерлик маркази ёки район диспетчерлик маркази томонидан ёхуд алоҳида орган тузиш зарурияти юзага келган ҳолларда яқинлашишга диспетчерлик пункти томонидан;

аэродром диспетчерлик хизмати — аэродром диспетчерлик пункти томонидан.

56. Аэродром диспетчерлик пунктига аэродромдаги перроннинг ўлчамлари ва конфигурацияси перронда ҳаракат учун назоратни олиб боришга

имкон бермаса, аэродром эксплуатанти томонидан перронда қўшимча бошқариш пункти ташкил этилади.

3-§. Ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизматини ташкиллаштириш

57. Ўзбекистон Республикасида ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизматини ташкиллаштириш тартиби ЎАНМ томонидан ишлаб чиқилди ва белгиланган тартибда «Дававианазорат» инспекцияси билан келишган ҳолда тасдиқланади.

4-§. Эшелонлаштириш минимумлари

58. Самовий ҳудудда эшелонлаштириш минимумлари Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 12 декабрдаги 549-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади.

5-§. ҲТҚБ бўйича масъулият

59. Самовий ҳудуднинг аниқ бўлган қисмидаги чегарада парвозларни бажараётган барча ҲКларининг ҳаводаги ҳаракати бошқарилиши учун масъулият битта диспетчерлик органига юклатилади. Айрим ҳолларда ҲКларнинг ҳаводаги ҳаракатини бошқариш барча манфаатдор диспетчерлик органлари билан ўзаро мувофиқликни таъминлаш шарти билан бошқа диспетчерлик органларига топширилиши мумкин.

6-§. ҲТҚБ бўйича масъулиятни топшириш

60. ҲКни бошқариш бўйича масъулият ҲТҚХК органи томонидан бошқа ҲТҚХК органига ушбу ҲКсига хизматни кўрсатувчи район диспетчерлик маркази томонидан ҲК диспетчер районларининг умумий чегараларини кесиш жараёнида ҳисобланган вақтда ёки икки ҲТҚХК органлари томонидан келишилган вақтда ёхуд ҳар қандай бошқа нуқтада топширилади.

61. ҲКни бошқариш бўйича масъулият район диспетчерлик хизматини таъминловчи ҲТҚХК органи томонидан яқинлашишга диспетчерлик хизматини таъминловчи органига белгиланган чегараларда топширилади.

62. Учиб келаётган ҲКни бошқариш учун масъулият яқинлашишга диспетчерлик хизматини таъминловчи орган томонидан аэродром диспетчерлик пунктига қуйидаги ҳолларда топширилади:

ҲК аэродром районида бўлиб, ердаги ориентир бўйича у киришни тугатиб, визуал қўнишни бажара олиши мумкин бўлганда ёки ВПК бўйича парвоз қилишда визуал метеорологик шароитларининг мустаҳкамлигига эришганда;

УБПКҚ бўйича парвоз қилишда тегишли ХТҚХК органининг ХТҚБ диспетчерини иш технологиясига мувофиқ белгиланган чегараларида (масофада, эшелонда, баландликда) бўлганда.

63. Визуал метеорологик шароитлар вақтида учиб кетаётган ХКнинг бошқаруви учун масъулият аэродром диспетчерлик пункти томонидан, агар ХК тегишли ХТҚХК органининг ХТҚБ диспетчерини иш технологиясига мувофиқ белгиланган чегараларда (масофада, эшелонда, баландликда) бўлса, яқинлашишга диспетчерлик хизматига топширилади.

64. Ускуналар бўйича парвоз жараёнида учиб кетаётган ХКнинг бошқаруви учун масъулият аэродром диспетчерлик пункти томонидан ХК тегишли ХТҚХК органининг ХТҚБ диспетчерини иш технологиясига мувофиқ белгиланган чегараларда (масофада, эшелонда, баландликда) бўлганда яқинлашишга диспетчерлик хизматига топширилади.

65. ХКни бошқарилиши учун масъулият бир диспетчерлик секторидан бошқа диспетчерлик секторига белгиланган чегарада (масофада, эшелонда, баландликда) ёки тегишли ХТҚХК органининг ХТҚБ диспетчерининг иш технологиясида назарда тутилган икки орган ўртасида келишилган вақтда топширилади.

7-§. ХТҚБ топширилишини мувофиқлаштириш

66. Мазкур Қоидаларнинг 68-бандида кўрсатилган маълумотлар бўлмаганда ХКни бошқариш учун масъулият ХТҚХК органи томонидан бошқариш учун масъулиятни қабул қилувчи ХТҚХК органига унинг розилигисиз топширилмайди.

67. Топширувчи ХТҚХК органи жорий парвоз режасининг қисмини ва ҳаво транспорти қатнови бошқарилишига тегишли маълумотларни қабул қилувчи органга мавжуд бўлган алоқа каналлари орқали маълум қилади. ХТҚБни топширишдан олдин олинган радиолокацион кузатув маълумотларига асосан диспетчерлик маълумотлари ўз ичига ХК жойлашган жойи, парвоз эшелони (баландлиги), йўналиш йўли (магнит йўналиш бурчаги), ХК тезлиги тўғрисидаги маълумотларни қамраб олади.

68. Қабул қилувчи ХТҚХК органи топширувчи ХТҚХК органидан қабул қилинган маълумотни тасдиқлайди ва зарур бўлган маълумотни беради ёки парвозни бажаришни давом эттиришга рухсат беради.

8-§. Диспетчерлик рухсати

69. Диспетчерлик рухсати ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизмати кўрсатишни таъминлаш учун зарур бўлган талабларга асосланади.

Диспетчерлик рухсатида қуйидагилар кўрсатилади:

парвоз режасида кўрсатилган ХКни белгилаш индекси;

харакат қилишга рухсат берилган чегара;

парвоз йўналиши;

хамма йўналиш учун парвоз эшелони (баландлиги) ёки унинг бир қис-

ми учун ва зарурият бўлганда, эшелонларнинг (баландликларнинг) ўзгариш тартиби;

учишга ёки қўнишга кириш вақтида манёврлашга, алоқага ва рухсатни амал қилиш муддати тугаши вақтига нисбатан бошқа масалалар бўйича зарур бўлган кўрсатмалар ва маълумотлар.

70. Рухсат бериш фаолиятининг муддати вақт билан белгиланади, агар парвоз бажарилиши бошланмаган бўлса, рухсат автоматик тарзда бекор қилинади.

9-§. Парвозлар хавфсизлигини таъминлашга тегишли диспетчерлик рухсати ва кўрсатмаларини такрорлаш

71. ҲКнинг экипажи ҲТҚБ диспетчерига радиоалоқа ёрдамида узатиладиган парвозлар хавфсизлигини таъминлашга тегишли рухсат ва кўрсатмаларни такрорлайди.

Қуйидагилар доимо такрорланади:

йўналиш бўйича парвоз қилишга диспетчерлик рухсати;

УҚЙ олдида кутиш ва УҚЙни кесиб ўтиш, учиш, қўниш, ердаги бурилишга тегишли рухсат ва кўрсатмалар;

ҲТҚБ диспетчери томонидан ишчи УҚЙ, барометр баландлигини ўлчаш шкаласини ўрнатиш, иккиламчи радиолокация кодлари, курс ва тезликка риоя қилиш бўйича кўрсатмаси, парвоз эшелонини (баландлигини) эгаллаш бўйича кўрсатмаси (агар бошқа кўрсатма бўлмаса), ўтиш эшелони тўғрисида хабарлар.

72. Рухсат ва кўрсатмалар, шу жумладан шартли рухсатлар тушунарли бўлгунига ва бажаришга қабул қилинишига шубҳа қолмайдиган тарзда такрорланиши лозим.

73. ҲТҚБ диспетчери берилган диспетчерлик рухсатини ёки кўрсатмаларини ҲК экипажи томонидан қайтариллишини эшитиши, уларни тўғри қабул қилинганлигига ишонч ҳосил қилиши ва берилган рухсатларни ва кўрсатмаларни такрорланиши вақтида аниқланган ҳар қандай ноаниқликларни бар-тараф қилиш бўйича чораларни кўриши шарт.

10-§. Ҳаво транспорти қатнови оқимларини ташкил этиш

74. Ҳаво транспорти қатнови талаби ҳаво транспорти қатнови диспетчерлик хизматининг тегишли тизимида кўрсатилган ўтказувчанлик салоҳиятидан ошганда ёки ошиши тахмин қилинганда ҳаво транспорти қатнови оқимларини ташкил этиш тизими самовий ҳудуд қисмларида татбиқ этилиши лозим.

75. Ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизматининг тегишли тизимини ўтказиш салоҳияти ЎАНМ томонидан белгиланади. Ўтказиш салоҳияти меъёридан ошиб кетган ҳолларда ҲТҚХК органи маълум бир районларда ҲТҚХКга чекловларни ўрнатади ва бу ҳақда ҳаво транспорти қат-

нови оқимларини ташкил этиш органларига, шунингдек чегарадош ХТҚХК органларига хабар беради.

Ўтказиш салоҳияти меъёридан ошиб кетганлиги ҳолати кузатилган районнинг йўналиши бўйича кетаётган ХК экипажи кутилаётган кечикишлар ёки чекланишлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиниши шарт.

76. ЎАНМ ХТҚБ тизимининг ўтказиш салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларни халқаро шартномаларга мувофиқ ташкил этиши лозим.

11-§. Аэродромлардаги шахслар ва транспорт воситалари ҳаракатини бошқариш

77. Аэродромнинг манёврлаш майдонида шахслар ва транспорт воситаларининг, шу жумладан шатакка олинган ХКларининг ҳаракатини бошқариш, ерда бурилишни, учишни ва қўнишни бажараётган ХКларининг хавфсизлигини таъминлаш аэродром диспетчерлик пункти томонидан амалга оширилади.

78. II ёки III даража бўйича ишловчи аэродромда УҚЙда кўриниш 550м бўлиб, кўриш имконияти чекланган шароитларда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

аэродромнинг манёврлаш майдонида ишлаётган шахслар ва транспорт воситаларининг сони II ёки III даража бўйича аниқ усқунали қўнишга киришни бажариш жараёнида минимумгача чекланган бўлиши;

манёврлаш майдонида транспорт воситалари билан ерда бурилаётган ХКлари ўртасида минимал масофа сақланиши.

79. Фалокатга учраган ХКга ёрдам кўрсатишга кетаётган қидирув-қутқарув транспорт воситалари манёврлаш майдонида барча бошқа турдаги ҳаракатлар олдида устунлик ҳуқуқига эга.

80. Бунда манёврлаш майдонида бўлган транспорт воситалари қуйидаги қоидаларга риоя қилишлари лозим:

ХКни шатакка олаётган транспорт воситалари қўнишга кираётган, учмоқчи бўлаётган ёки ерда бурилишни амалга ошираётган ХКга йўл беришлари;

транспорт воситалари ХКни шатакка олаётган бошқа транспорт воситаларига йўл беришлари;

манёврлаш майдони бўйича ҳаракатни амалга ошираётган барча транспорт воситалари аэродром диспетчерлик пункти билан радио алоқани олиб бориши учун тегишли ёритиш сигнали усқуналарига ва радиотехник воситаларига эга бўлишлари.

Аэродромнинг манёврлаш майдонидаги барча транспорт воситалари аэродром диспетчерлик пункти кўрсатмаларига мувофиқ ушбу банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида белгиланган талабларидан қатъи назар, бошқа транспорт воситаларига йўл беришлари шарт.

81. Транспорт воситалари томонидан аэродромнинг манёврлаш майдо-

нини рухсатсиз банд қилиш ҳолатларини олдини олиш бўйича жавобгарлик аэродром эксплуатанти зиммасига юклатилади.

12-§. Радиолокацион таъминоти

82. Радиолокацион тизимлари (мавжуд бўлганда) парвозлар хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган иккиламчи радиолокация кодлари ва тўқнашиш вазиятлари тўғрисида олдиндан хабар бериш, тўқнашиш вазиятлари тўғрисида билдиришни ҳисобга олиб, огоҳлантириш ва хабар беришни таъминлашлари лозим.

13-§. Ёқилғини тўқиш

83. Назорат қилинадиган самовий ҳудудда парвозни амалга ошираётган ҲҚга ёқилғини тўқиш зарурияти юзага келса, ҲҚ экипажи бу ҳақда ҲТҚБ органига хабар беради.

Бунда ҲТҚБ органи билан ёқилғини тўқаётган ҲҚ ўртасидаги белгиладиган ҳаракатлар, шунингдек улар томонидан амалга оширилаётган жараёнлар ИКАО халқаро стандартлари ва тавсия этилган амалиётининг ҳаво транспорти қатнови ташкиллаштирилишини белгилаб берувчи талабларига мувофиқ ўрнатилади.

III. Парвоз-ахборот хизмати

1-§. Парвоз-ахборот хизматини қўллаш

84. Парвоз-ахборот хизматининг маълумотлари таъсир кўрсатувчи барча ҲҚлари парвоз-ахборот хизмати билан таъминланади.

85. Парвоз-ахборот хизмати ҲҚ командиридан парвоз режасини ўзгаришига нисбатан қатъий қарорни қабул қилганлиги учун жавобгарликни олиб ташламайди.

86. ҲТҚХК органлари бир вақтда парвоз-ахборот хизмати ва ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизмати билан таъминласа ва бунда ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизмати кўрсатилишини талаб қилса, барча ҳолларда ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизмати кўрсатишни парвоз-ахборот хизматига нисбатан биринчи навбатда амалга оширилади.

2-§. Парвоз-маълумотлари хизматини татбиқ этиш

87. Парвоз-маълумотлари хизмати қўйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

«SIGMET» маълумотларини;

вулқон кукуни булутларининг мавжудлигини;

радиоактив ёки заҳарли кимёвий моддаларни атмосферага чиқарилганлигини;

радионавигацион воситаларининг фойдаланишга тайёрлиги ҳолати ўзгарганини;

аэродром ҳолатининг ва у билан боғлиқ воситаларнинг, шу жумладан қор, муз ёки сув қатламлари билан қопланган аэродромнинг иш майдонлари ҳолати тўғрисидаги маълумотлари ўзгаришини;

бошқарилмайдиган учувчисиз аэростатлар тўғрисидаги;

учишни ва қўнишни амалга ошириш аэродромларида ҳамда захирадаги аэродромларда аниқ ёки қутилаётган метеорологик шароитларни;

ҳар хил классдаги самовий ҳудудда парвозларни бажарувчи ХКлари учун тўқнашув хавфини мавжудлигини;

ВПҚ бўйича парвоз бажарилиши мумкин бўлмай қолганда, парвоз йўналиши бўйича метеорологик шароитларни;

ориентир етарли бўлмаган ҳудудларда парвоз бажарилаётганда ХК экипажи сўрови бўйича парвоз ва навигацион маълумотлар ҳисоби учун зарур маълумотларни;

парвознинг хавфсизлигига таъсир қилувчи бошқа маълумотларни.

88. ХТҚХК органи парвоз-маълумотлари хизматини таъминлаш вақтида қуйидагилар учун жавобгар бўлади:

ХК экипажига навигацион воситаларининг ҳолати, ҳаводаги ва метеорологик вазият тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида берилиши;

парвозлар хавфсизлигига таъсир этиши мумкин бўлган маълумотларни ҳамда белгиланган ва захирадаги аэродромларнинг ҳолати тўғрисидаги ўзгаришларни ўз вақтида берилиши.

3-§. Тезкор парвоз-маълумотлари хизмати кўрсатилишида радиоэшиттиришни узатиш

89. Парвоз-маълумотлари хизмати кўрсатилишига киритиладиган метеорологик, шунингдек навигацион воситалари ва аэродромлар тўғрисидаги тезкор маълумот (мавжуд бўлса) бирлаштирилган кўринишда тақдим этилади.

90. Агар парвоз-маълумотлари хизмати радиоэшиттириш билан таъминланаётган бўлса, улар парвознинг турли хил босқичлари бўйича алоҳида фойдаланиш элементлари ва метеорологик элементлар тўғрисидаги бирлаштирилган маълумотларни қамраб олган хабарлардан таркиб топган бўлиши керак. Бунда радиоэшиттиришларни узатиш юқори частоталарда, ЖЮЧ ва АТМУда бўлиши керак.

4-§. Аэродром районида нутқий АТМУ хизматининг радиоэшиттиришини узатиш

91. Аэродром районида нутқий АТМУ хизматининг радиоэшиттиришини узатиш аэродромда «хаво-ер» икки томонлама алоқа каналининг хиз-

мат кўрсатилишидаги юкланишни камайтириш талаб қилинганда таъминланади.

92. Нутқий АТМУ хизматининг радиоэшиттиришини узатиш учун имкон даражасида ЖЮЧ диапазонидан фойдаланилади.

93. Нутқий АТМУ хизматининг радиоэшиттиришларини узатиш узлуксиз равишда ва такрорланиш билан олиб борилади.

94. Жорий радиоэшиттиришда узатилаётган маълумотлар қўнишга кириш, қўниш ва учиш билан боғлиқ маълумотларни ХҚларга таъминлаб берган тегишли ХТҚХК органлари эътиборига зудлик билан етказилади.

95. Нутқий АТМУ хизматининг радиоэшиттириши минимум инглиз тилида олиб борилади.

96. Нутқий АТМУ хизматининг радиоэшиттиришини узатилиши давомийлиги, агар бунинг имкони бўлса, 30 сониядан ошмаслиги керак. Бунда узатилаётган маълумотнинг сифати ёмонлашмаслиги лозим.

5-§. Аэродром районида нутқий АТМУ хизмати

97. Нутқий АТМУ хизматидан фойдаланишда қўйидагилар таъминланган бўлиши керак:

узатилаётган маълумот битта аэродромга тегишли бўлиши;

аҳамиятга эга бўлган ўзгариш юз берганда зудлик билан узатилаётган маълумотларнинг янгиланиши;

нутқий АТМУ хизматининг алоҳида хабарлари ИКАОнинг фонетик алифбосидаги ҳарфлар кўринишидаги индекс билан белгиланиши. Кейинги бериладиган нутқий АТМУ хизмати хабарларининг индекслари алфавит тартибда ўзлаштирилади;

ХК экипажлари, яқинлашишга диспетчерлик хизматини ёки аэродром диспетчерлик хизматини таъминловчи ХТҚХК органи билан алоқани ўрнатганидан кейин маълумотларни қабул қилганликларини таъкидлашлари;

ХТҚХК органи келаётган ХҚларига аэродромда айна пайтдаги босим тўғрисидаги маълумотлар ҳақида хабар берилиши;

метеорологик маълумотлар мунтазам ёки махсус маълумотларда тақдим этилиши.

Нутқий АТМУ хизмати хабарларини тайёрланиши ва тарқатилиши учун ХТҚХК органи жавобгар бўлади.

98. Метеорологик шароит тезлик билан ўзгарган вақтларда метеорологик маълумотни нутқий АТМУ хизматига киритиш мақсадга мувофиқ бўлмаган тақдирда, нутқий АТМУ хизмати хабарларида об-ҳаво тўғрисидаги маълумот ХТҚХК органи билан дастлабки алоқа ўрнатилганда амалга оширилади.

99. Жорий узатилган нутқий АТМУ хизмати маълумотлари ХК экипажи томонидан қабул қилинганлиги тасдиқланганда, уларни такроран узатиш талаб қилинмайди, аэродромдаги босим тўғрисидаги маълумотлар бундан мустасно.

100. Агар ХК экипажи нутқий АТМУ хизматининг эскирган маълумот

мотларини қабул қилганлигини тасдиқласа, янгиланиши талаб қилинадиган маълумотнинг ҳар қандай элементи зудлик билан ХК экипажига узатилади.

6-§. Учиб келаётган ва учиб кетаётган ХК учун нутқий АТМУ хизматини узатиш

101. Нутқий АТМУ хабарлари қуйида белгиланган тартибдаги элементларни ўз ичига олиши керак:

аэродромнинг номланишини;

учиб келиш ва (ёки) учиб кетиш кўрсаткичини;

маълумотни ҳарф билан ифодаланган индексини;

кузатув вақтини;

қўнишга кириш учун мўлжалланаётган тизимини (турини);

фойдаланиладиган УҚЙни;

УҚЙ сатҳининг ҳолатини ва уланиш коэффициентини;

кутиш зонасидаги кутилаётган кечикишни;

ўтиш эшелонини;

ер яқинидаги шамолнинг йўналиши ва тезлигини, шу жумладан аҳамиятли бўлган ўзгаришларни;

кўринишни (УҚЙдаги кўринишни);

жорий об-ҳавони;

булут билан қопланиш 1500м дан пастда бўлиб, осмондаги ҳолатни аниқлаш қийинлашганда вертикал кўринишини;

ҳавонинг ҳароратини;

шудринг нуқтасининг ҳарорати;

баландликни ўлчаш қурилмаси учун маълумотларни;

аэродромдаги босимни;

яқинлашиш зонасида, қўнишга киришда ва баландликка кўтарилишда, шу жумладан шамол силжишидаги махсус (хавфли) метеорологик ҳолатлар тўғрисидаги мавжуд бўлган ҳар қандай маълумотларни ҳамда парвознинг амалга оширилишига таъсир қилувчи об-ҳавонинг охириги ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни;

«Тренд» туридаги маълумотни (мавжуд бўлганда);

бошқа муҳим тезкор маълумотларни.

IV. Авария ҳақида хабар бериш хизмати

1-§. Авария ҳақида хабар бериш хизматини қўллаш

102. Авария ҳақидаги хабар билан қуйидагилар таъминланади:

ҳаво транспорти қатновига диспетчерлик хизмати билан таъминланаётган барча ХКлар;

имкон даражасида парвоз қилиш режасини такдим этган бошқа барча ХКлар;

ноқонуний аралашув объекти бўлганлиги маълум бўлган ёки тахмин қилинаётган ҳар қандай ХКлар.

103. Парвоз-маълумотлари марказлари ва район диспетчерлик марказлари тегишли ПКҚМР ва диспетчерлик райони чегараларида парвозни бажараётган ХКларининг авария ҳолатига оид барча парвоз маълумотларини йиғиш учун ҳамда бундан маълумотни тегишли қидирув ва қутқарувни мувофиқлаштирувчи марказга узатиш учун бош пункт бўлиб хизмат қилади.

104. Яқинлашишга диспетчерлик пункти ёки аэродром диспетчерлик пунктининг бошқарувида бўлган ХК билан авария ҳолати юзага келганда, ушбу орган зудлик билан бу ҳақда район диспетчерлик марказига (парвоз-маълумотлари марказига) хабар беради ва улар ўз навбатида аэропортнинг (аэродромнинг) қидирув ва қутқарувни мувофиқлаштирувчи марказига хабар беради, район диспетчерлик марказини (парвоз-маълумотлари марказини) ёки қидирув ва қутқарувни мувофиқлаштирувчи марказни хабардор қилиш талаб қилинмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

105. Аэродром диспетчерлик пункти ёки яқинлашишга диспетчерлик пункти биринчи навбатда зарур кечиктириб бўлмайдиган ёрдамни кўрсатиши шарт бўлган аэропортдаги (аэродромдаги) барча қидирув-қутқарув хизматларига хабар беради ва уларни ҳаракатга келтириш учун зарур чораларни кўради.

2-§. Қидирув ва қутқарувни мувофиқлаштирувчи марказларга хабар бериш

106. ХТҚХК органлари ХК авария ҳолатида эканлиги маълум бўлганда қидирув ва қутқарувни мувофиқлаштирувчи марказларни қўйидаги босқичлардан бири мавжуд бўлганда зудлик билан хабардор қилади:

ноаниқлик босқичи;

тревога (хавфни билдирувчи сигнал) босқичи;

фалокат босқичи.

107. Хабар бериш мавжуд бўлган алоқа каналлари орқали амалга оширилади ва қўйидаги тартибда кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олиши керак:

авария босқичидан келиб чиққан ҳолда INSERFA, ALERFA ёки DETRESFA номли код сўзларини;

чақираётган муассаса ёки шахсни;

авария ҳолатининг хусусиятини;

парвоз режасидаги маълумотни;

сўнгги марта алоқада бўлган ХТҚБ органини, алоқа вақти ва иш частотасини;

турган жойи тўғрисида охириги хабарни ва уни аниқлаш усулини;

ХКнинг ранги ва ажратиб турадиган белгисини;

ХКдаги хавфли юклар тўғрисидаги маълумотни;

хабарларни узатувчилар томонидан қабул қилинган ҳар қандай ҳаракатларни;

бошқа зарур бўлган маълумотларни.

108. Мазкур Қоидаларнинг 106-бандида кўрсатилган маълумотлардан ташқари, қидирув ва қутқарувни мувофиқлаштирувчи марказ қуйидагилар билан дарҳол таъминланиши лозим:

ҳар қандай қўшимча фойдали маълумотлар билан, айниқса босқичлар бўйича авария ҳолатининг ўзгариши;

авария ҳолатининг бекор қилиниши.

109. Авария ҳолатлари бўйича аниқланиши лозим бўлган маълумотлардан ҳар қандай элементи мавжуд эмаслиги авария ҳақидаги хабарни узатмасдан ушлаб туриш учун асос бўлмайди.

110. Қидирув ва қутқарувни мувофиқлаштирувчи марказ томонидан қабул қилинган ҳаракатларнинг бекор қилиниши бўйича ушбу марказнинг ўзи жавобгар бўлади.

3-§. Алоқа воситаларидан фойдаланиш

111. ҲТҚХК органлари зарурият бўлганда авария ҳолатидаги ҲК билан алоқани ўрнатиш ва ушлаб туриш учун ҳамда ушбу ҲКдан маълумотларни олиш учун барча мавжуд алоқа воситаларидан фойдаланадилар.

4-§. Авария ҳолатидаги ҲК парвозининг йўналишини белгилаш

112. Агар ҲК авария ҳолатида деб ҳисобланса, тасвирни акс эттириш аппаратураси ҳаводаги вазиятни видеоёзувига ёзиш имконини бермаса, ушбу ҲКни ва унинг охириги маълум бўлган жойлашган жойидан энг катта узоқлашувидан кейинчалик жойлашиш жойини аниқлаш учун унинг парвоз йўналиши картада белгиланади.

5-§. Авария ҳолатида бўлган ҲКнинг яқинида парвозни бажарувчи ҲКларга маълумотни узатиш

113. Агар ҲТҚХК органи ҲКни авария ҳолатида деб ҳисобласа, ушбу ҲКнинг яқинида бўлган бошқа ҲКларга имкон даражасида авария ҳолатининг хусусияти тўғрисида хабар қилади ва зарурият бўлса радио сукутлик режимини киритади.

V. ҲТҚХК органларининг алоқага бўлган талаблари

1-§. Алоқанинг авиацион хизмати

114. ҲТҚХК жараёнида икки тарафлама «ҳаво-ер» радиотелефон алоқаси ташкил этилади.

115. Диспетчерлик хизмати кўрсатишни таъминлаш учун алоқа абонентлари томонидан юқори частота ёки ЖЮЧ каналлари қўлланилади. Бунда икки тарафлама «ҳаво-ер» каналлари ёзиш воситалари билан таъминланади.

116. Парвоз-маълумотлари хизматини таъминлаш учун ПҚМР чегарасининг ҳар қандай жойида парвозни бажараётган ХҚ ва парвоз-маълумотлари хизматини таъминловчи органлар ўртасида икки томонлама алоқанинг халақит берувчи шовқинидан тўсқинликсиз ва узлуксиз тезкор равишда, бевосита икки томонлама «ҳаво-ер» алоқасидан фойдаланилиши таъминланган бўлиши керак.

117. Район диспетчерлик хизмати кўрсатилишини таъминлаш учун диспетчерлик райони чегарасининг ҳар қандай жойида парвозни бажараётган ХҚ ва район диспетчерлик хизматини таъминловчи орган ўртасида икки томонлама алоқанинг халақит берувчи шовқинидан тўсқинликсиз ва узлуксиз тезкор равишда, бевосита икки томонлама «ҳаво-ер» алоқасидан фойдаланилиши таъминланган бўлиши керак.

118. Яқинлашишга диспетчерлик хизматининг таъминланиши учун яқинлашишга диспетчерлик хизмати кўрсатишни таъминловчи ва унинг бошқаруви остида бўлган ХҚ билан ўртадаги икки томонлама алоқа халақит берувчи шовқинидан тўсқинликсиз ва узлуксиз тезкор равишда, бевосита икки томонлама «ҳаво-ер» алоқасидан фойдаланилиши таъминланган бўлиши керак.

119. Агар яқинлашишга диспетчерлик хизмати кўрсатишни таъминловчи орган, алоҳида орган сифатида ҳаракат қилса, икки томонлама «ҳаво-ер» алоқаси унинг ўзига фойдаланиш учун ажратилган алоқа канали бўйича олиб борилади.

120. Аэродром диспетчерлик хизмати кўрсатилишини таъминлаш учун, назорат қилинадиган аэродромларнинг манёврлаш майдонида ҳаракатни бажарувчи ёки аэродром атрофидаги радиусининг 50 км масофасида бўлган ХҚлари ва аэродром диспетчерлик пункти ўртасида икки томонлама алоқа халақит берувчи шовқинидан тўсқинликсиз ва узлуксиз, оператив равишда, бевосита икки томонлама «ҳаво-ер» алоқасидан фойдаланилиши таъминланган бўлиши керак.

121. Зарурият юзага келганда манёврлаш майдонидаги ҳаракатни бошқариш учун алоҳида каналлар таъминланади.

2-§. Қайд этилган авиацион алоқа хизмати

122. Ерда ХТҚХК жараёнида «ер-ер» алоқаси учун телефон ва телеграфлардан фойдаланилади.

3-§. ПҚМР доирасидаги алоқа

123. Парвоз-маълумотлари маркази унинг жавобгарлигидаги райони доирасида хизмат кўрсатишни таъминловчи қуйидаги органлар билан алоқа каналлари билан таъминланган бўлиши керак:

район диспетчерлик маркази билан, агар улар битта жойда жойлашмаган бўлса;

яқинлашишга диспетчерлик пункти билан;

аэродром диспетчерлик пункти билан.

124. Район диспетчерлик маркази унинг жавобгарлигидаги райони доирасида хизмат кўрсатишни таъминловчи қўйидаги органлар билан алоқа каналлари билан таъминланган бўлиши керак:

парвоз-маълумотлари маркази билан;

яқинлашишга диспетчерлик пункти билан;

аэродром диспетчерлик пункти билан;

чегарадош район диспетчерлик марказлари билан.

125. Яқинлашишга диспетчерлик пункти унинг жавобгарлигидаги райони доирасида хизмат кўрсатишни таъминловчи қўйидаги органлар билан алоқа каналлари билан таъминланган бўлиши керак:

парвоз-маълумотлари маркази билан;

район диспетчерлик маркази билан;

аэродром диспетчерлик пункти билан.

126. Аэродром диспетчерлик пункти унинг жавобгарлигидаги зонаси доирасида хизмат кўрсатишни таъминловчи қўйидаги органлар билан алоқа каналлари билан таъминлаган бўлиши керак:

парвоз-маълумотлари маркази билан;

район диспетчерлик маркази билан;

яқинлашишга диспетчерлик пункти билан.

4-§. ХТҚХК органлари билан бошқа органлар ўртасидаги алоқа

127. Парвоз-маълумотлари маркази ва район диспетчерлик маркази уларнинг жавобгарлигидаги районлари доирасида хизмат кўрсатишни таъминловчи қўйидаги органлар билан алоқа каналлари билан таъминланган бўлиши лозим:

давлат авиациясининг тегишли органлари билан;

метеорологик органи билан;

авиацион электр алоқасининг станцияси билан;

эксплуатантнинг тегишли муассасалари билан;

қидирув ва қутқарувни мувофиқлаштирувчи марказ билан ёки унинг йўқлигида бошқа тегишли қидирув-қутқарув хизмати билан;

чегарадош диспетчерлик маркази билан.

128. Яқинлашишга диспетчерлик пункти ва аэродром диспетчерлик пункти уларнинг жавобгарлигидаги районлари доирасида хизмат кўрсатишни таъминловчи қўйидаги органлар билан алоқа каналлари билан таъминланган бўлиши лозим:

давлат авиациясининг тегишли органлари билан;

қидирув-қутқарув хизматлари билан;

метеорологик органи билан;

авиацион электр алоқа станцияси билан;
перрондаги фаолиятни ташкиллаштирувчи орган билан, агар у алоҳида орган сифатида тузилган бўлса.

5-§. Алоқа воситаларининг тавсифи

129. Район диспетчерлик маркази, парвоз-маълумотлари маркази, яқинлашишга диспетчерлик пункти ва аэродром диспетчерлик пункти қуйидаги алоқа воситалари билан таъминланади:

бевосита нутқий алоқа;

харф билан босиладиган алоқанинг ёзма шакли.

130. ХТҚХКнинг электрон-ҳисоблаш машинасига автоматик тарзда маълумотларни киритиш ва (ёки) уларни чиқариш талаб қилинган барча ҳолларда, автоматик ёзуви учун тегишли воситалар таъминланади.

131. Мазкур Қоидаларнинг V бўлими 3 ва 4-параграфларида кўрсатилган алоқа воситалари, зарурият бўлганда, бошқа турдаги визуал ёки товушли (овозли) алоқа воситалари билан тўлдирилади (масалан ёпиқ телевизион тизим ёки алоҳида маълумотларни қайта ишловчи алоҳида тизим билан).

132. Район диспетчерлик марказларининг алоқа воситалари циркуляр алоқа учун мослаштирилган бевосита нутқий алоқа воситаларини ўз ичига олади.

133. ХТҚХК органлари ва бошқа органлар ўртасидаги барча бевосита нутқий алоқа воситалари автоматик тарздаги ёзув билан таъминланиши керак.

6-§. Аэродромда транспорт воситалари ҳаракатини бошқариш хизмати

134. Манёврлаш майдонида транспорт воситалари (ХКларидан ташқари) ҳаракатини бошқариш хизмати икки томонлама радиотелефон алоқа воситалари билан таъминланган бўлиши керак, визуал сигналлар тизимидан фойдаланиладиган ҳоллар бундан мустасно.

135. Манёврлаш майдонида транспорт воситалари ҳаракатини бошқариш учун автоматик ёзуви таъминланадиган алоҳида алоқа каналлари ўрнатилади.

7-§. Радиотехникавий авиацион хизмати

136. ХТҚХК жараёнида фойдаланиладиган бирламчи ва иккиламчи радиолокацион станцияси ёрдамида олинадиган маълумотлар ХТҚБ тизимларини баҳолаш, қидирув-қутқарувни ўтказиш, инцидентларни ва ҳодисаларни текшириш ҳамда ходимларни тайёрлаш учун автоматик тарзда ёзилиши керак.

137. Автоматик тарзда ёзилган маълумотлар 30 кун давомида сақлани-

ши керак. Агар бу ёзувлар инцидентларни ва ҳодисаларни текшириб чиқиши учун алоқадор бўлса, уларни сақлаш муддати узайтирилиши мумкин.

VI. Маълумотларга қўйиладиган талаблар

1-§. Метеорологик маълумотлар

138. ҲТҚХК органлари ҲТҚХКга оид зарур бўлган вазифаларни бажариш учун аниқ бўлган ёки кутилаётган об-ҳавонинг метеорологик шароитлари тўғрисидаги сўнги маълумотлари билан таъминланган бўлишлари лозим. Маълумот ҲТҚХК ходимларининг талабларига жавоб берадиган даврийликда энг кам изоҳ талаб қилинадиган шаклда тақдим этилади.

139. ҲТҚХК органлари ҲКнинг парвозига, айниқса унинг кўтарилиши ва қўнишга киришига хавф соладиган аэродром районидаги барча метеорологик ҳодисаларнинг ҳаракатланиш тезлиги ва йўналиши, вертикал масофаси ва жойлашган жойи тўғрисида аниқ маълумотлар билан таъминланади.

2-§. Район диспетчерлик марказлари ва парвоз-маълумотлари марказлари таъминланадиган метеорологик маълумотлар

140. Район диспетчерлик марказлари ва парвоз-маълумотлари марказлари сўнги об-ҳаво ва метеорологик хабарлар тўғрисидаги маълумотлар, ҲК бортидан олинган махсус хабарлар ва «SIGMET» маълумотлари билан таъминланади.

141. Район диспетчерлик марказлари ва парвоз-маълумотлари марказлари ўз аэродромларидаги босим тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланиши керак.

3-§. Яқинлашишга диспетчерлик хизмати таъминланадиган метеорологик маълумотлар

142. Яқинлашишга диспетчерлик хизматини таъминловчи органларга қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

уларнинг тасарруфидаги самовий ҳудудларида ва аэродромларида бўлган жорий метеорологик хабарлар ва об-ҳаво маълумотлари;
махсус хабарлар ва об-ҳавога киритилган тузатишлар.

143. Яқинлашишга диспетчерлик хизматини таъминловчи органларга уларнинг жавобгарлигидаги районда жойлашган аэродромлардаги босим тўғрисидаги жорий маълумотлар тақдим этилиши лозим.

144. Яқинлашишга диспетчерлик хизматини таъминловчи органлари УҚЙдаги кўриниш узоқлиги қийматини ускуналар ёрдамида ўлчаганда, улар индикатор (дисплей) билан жиҳозланган бўлиши керак.

145. Яқинлашишга диспетчерлик хизматини таъминловчи органларга шамолнинг силжиши тўғрисидаги маълумот тақдим этилиши лозим.

4-§. Аэродром диспетчерлик пунктлари таъминланадиган метеорологик маълумотлар

146. Аэродром диспетчерлик пунктлари қуйидаги маълумотлар билан таъминланиши керак:

аэродром бўйича жорий метеорологик хабарлар ва об-ҳаво маълумотлари;

махсус хабарлар ва об-ҳавога киритилган тузатишлар;

ХК экипажларига маълумотларни бериш учун аэродромдаги жорий босим.

147. Аэродром диспетчерлик пунктига шамолни силжиши тўғрисидаги маълумот такдим этилиши лозим.

5-§. Алоқа станциялари

148. Зарур бўлганда, жорий метеорологик хабарлар ва об-ҳаво маълумотлари алоқа станцияларига юборилиши лозим. Бундай маълумотларнинг бир нусхаси парвоз-маълумотлари марказига ёки район диспетчерлик марказига юборилади.

6-§. Аэродромдаги шароитлар ва ундаги фойдаланиш воситаларининг ҳолати тўғрисидаги маълумот

149. Яқинлашишга диспетчерлик хизматини таъминловчи органлар ва аэродром диспетчерлик пунктлари уларнинг тасарруфларида бўлган аэродром билан ва ундаги воситалари билан боғлиқ бўлган ҳар қандай фойдаланиш ҳолати тўғрисидаги ҳамда вақтинчалик чекланишларнинг мавжудлиги тўғрисидаги, иш майдонидаги шароитлардан фойдаланиш нуқтаи назаридан ўзига хос бўлган махсус шартлар тўғрисидаги жорий маълумотлар билан доимий равишда таъминланиши керак.

7-§. Радионавигацион воситаларнинг фойдаланиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

150. ҲТҚХК органлари ердаги ҳаракатни таъминлаш учун зарур бўлган визуал ва визуал бўлмаган воситалардан ҳамда уларнинг жавобгарлигидаги районлари чегараларида ҲКнинг учиши, қўнишга кириши учун аҳамиятга эга бўлган визуал воситалари ва радионавигацион воситаларидан фойдаланиш ҳолати тўғрисидаги жорий маълумот билан доимий равишда таъминланиши керак.

151. Яқинлашишга диспетчерлик хизматини таъминловчи органлар ва аэродром диспетчерлик пунктлари радионавигацион воситаларининг ишламай қолганлиги тўғрисида дистанцион ҳолатда маълумот олиши лозим.

8-§. Бошқарилмайдиган учувчисиз аэростатлар тўғрисидаги маълумот

152. Бошқарилмайдиган учувчисиз аэростатларнинг эксплуатантлари ушбу аэростатларнинг парвозлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни ХТҚХК органларига хабар қилишлари лозим.

9-§. Радиоактив ва заҳарли кимёвий моддалар тўғрисидаги маълумот

153. ХТҚХК органлари тегишли ташкилотлар билан тузиладиган келишувларга мувофиқ ўзлари хизмат кўрсатаётган ҳудуд доирасида бажарилаётган парвозларнинг самовий ҳудудига дахл қилувчи атмосферага радиоактив ёки кимёвий заҳарли моддаларнинг чиқарилганлиги тўғрисида хабардор қилинишлари шарт.

VII. Яқуний қоида

154. Мазкур Қоидалар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан келишилган.

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиакомпанияси
бош директори*

В. ТЯН

2011 йил 14 январь

Ўзбекистон Республикасининг
«Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти
қатновига хизмат кўрсатиш» авиация
қоидаларига (ЎЗР АҚ-71)
1-ИЛОВА

ХТҚХКнинг самовий ҳудудидаги КЛАССЛАР

Класс	Парвоз тури	Эшелонлаштириш	Хизмат кўрсатиш	Тезликнинг чекланиши	Радиоалоқага бўлган талаблар	ХТҚБ органи рухсатининг зарурлиги
A	Фақат УПҚҚ бўйича	Барча ХК	ХТҚБ	Қўлланилмайди	Доимий икки томонлама алоқа	Ҳа
B	Фақат УПҚҚ бўйича	Барча ХК	ХТҚБ	Қўлланилмайди	Доимий икки томонлама алоқа	Ҳа
	Фақат ВПҚ бўйича	Барча ХК	ХТҚБ	Қўлланилмайди	Доимий икки томонлама алоқа	Ҳа

Класс	Парвоз тури	Эшелонлаштириш	Хизмат кўрсатиш	Тезликнинг чекланиши	Радиоалоқага бўлган талаблар	ХТҚБ органи рухсатининг зарурлиги
С	УПҚҚ бўйича	УПҚҚ нисбатан УПҚҚ УПҚҚ нисбатан ВПҚ	ХТҚБ	Қўлланилмайди	Доимий икки томонлама алоқа	Ҳа
	ВПҚ бўйича	ВПҚ нисбатан УПҚҚ	1) ХТҚБ учун УПҚҚ нисбатан эшелонлаштириш 2) ВПҚ/ВПҚ (тавсия сўрови бўйича тўқнашувни олдини олиш)	3000 м эшелондан паст бўлмаган 450 км/с, ортиқ бўлмаган	Доимий икки томонлама алоқа	Ҳа
D	УПҚҚ бўйича	УПҚҚ нисбатан УПҚҚ	ХТҚБ, ВПҚ бўйича парвозлар тўғрисидаги маълумот (тавсия сўрови бўйича тўқнашувни олдини олиш)	3000 м эшелондан паст бўлмаган 450 км/с, ортиқ бўлмаган	Доимий икки томонлама алоқа	Ҳа
	ВПҚ бўйича	Ишлаб чиқарилмайди	УПҚҚ/ВПҚ ва ВПҚ/ВПҚ бўйича парвозлар тўғрисидаги маълумот (тавсия сўрови бўйича тўқнашувнинг олдини олиш)	3000 м эшелондан паст бўлмаган 450 км/с, ортиқ бўлмаган	Доимий икки томонлама алоқа	Ҳа
E	УПҚҚ бўйича	УПҚҚ нисбатан УПҚҚ	ХТҚБ ва имкон даражасида, ВПҚ бўйича парвозлар тўғрисидаги маълумот	3000 м эшелондан паст бўлмаган 450 км/соатдан ортиқ бўлмаган	Доимий икки томонлама алоқа	Ҳа
	ВПҚ бўйича	Ишлаб чиқарилмайди	Имкон даражасида, ҳаракат тўғрисидаги маълумот	3000 м эшелондан паст бўлмаган 450 км/с, ортиқ бўлмаган	Йўқ	Йўқ
F	УПҚҚ бўйича	Имкон даражасида, УПҚҚ нисбатан УПҚҚ	Ҳаво транспорти қатновига консультатив хизмат кўрсатиш, учишга оид маълумотларига хизмат кўрсатиш	3000 м эшелондан паст бўлмаган 450 км/с, ортиқ бўлмаган	Доимий икки томонлама алоқа	Йўқ
	ВПҚ бўйича	Ишлаб чиқарилмайди	Учишга оид маълумотларига хизмат кўрсатиш	3000 м эшелондан паст бўлмаган 450 км/соатдан ортиқ бўлмаган	Йўқ	Йўқ

Класс	Парвоз тури	Эшелонлаштириш	Хизмат кўрсатиш	Тезликнинг чекланиши	Радиоалоқага бўлган талаблар	ХТҚБ органи рухсатининг зарурлиги
G	УПҚҚ бўйича	Ишлаб чиқарилмаиди	Учишга оид маълумотларига хизмат кўрсатиш	3000 м эшелондан паст бўлмаган 450 км/с, ортиқ бўлмаган	Доимий икки томонлама алоқа	Йўқ
	ВПҚ бўйича	Ишлаб чиқарилмаиди	Учишга оид — маълумотларига хизмат кўрсатиш	3000 м эшелондан паст бўлмаган 450 км/с, ортиқ бўлмаган	Йўқ	Йўқ

Ўзбекистон Республикасининг
«Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти
қатновига хизмат кўрсатиш» авиация
қоидаларига (ЎЗР АҚ-71)
2-ИЛОВА

ХТҚХК йўналишларини белгилаш

1-§. ХТҚХ йўналишларини белгиловчи индекслар

1. ХТҚХК органлари ва учувчиларга қуйидагиларни аниқлаш учун ХТҚХКнинг аниқ бўлган йўналиш участкаси ёки районида фойдаланиладиган йўналиш индекслари тизими хизмат қилади:

географик координатларга оид ёки бошқа уни тавсифловчи воситалардан фойдаланишга таянмасдан, ХТҚХКнинг ҳар қандай йўналишини аниқ кўрсата олиши учун;

агар бу мақсадга мувофиқ бўлса, ХТҚХК йўналишини самовий ҳудуддаги аниқ бўлган вертикал тизимига ўзаро боғлаши учун.

2. Индекслар тизимини белгилаш қуйидагиларни амалга оширишга имкон беради:

оддий усул билан ХТҚХКни ҳар қандай йўналишини белгилашга;

такрорлашга йўл қўймасликка;

тезкор суръатда фойдаланишда максимал қисқаликка эришишга;

тубдан ўзгаришига таянмасдан, келгусида бўладиган ҳар қандай ўзгаришларнинг ҳисоби билан ХТҚХК йўналишларини етарли даражадаги кенгайтириш имкониятини таъминлашга.

2-§. Индекс тизими

3. ХТҚХКнинг йўналиши индекси зарурият юзага келганда қуйидаги асосий индекслар билан тўлдирилади:

мазкур илованинг 7-бандида кўрсатилган битта префикс билан;

мазкур илованинг 8-бандида кўрсатилган битта қўшимча ҳарф билан.

4. Индексларни тузиш учун зарур бўлган белгиларнинг сони олтитадан ошмаслиги керак.

5. Асосий индекс битта алифбо ҳарфидан иборат бўлади ва ундан кейин 1 дан 999 гача рақамлари қўйилади.

6. Қуйида санаб ўтилганлар учун ҳарфлар танлаб олинади:

ХТҚХК йўналишларининг регионал тармоғини бир қисми бўлиб ҳисобланувчи минтақавий навигация йўналишлари бўлмаган йўналишлари учун — «А», «В», «G», «R» ҳарфлари;

ХТҚХК йўналишларининг регионал тармоқнинг бир қисми бўлиб ҳисобланувчи минтақавий навигация йўналишлари учун — «L», «M», «N», «P» ҳарфлари;

минтақавий навигация йўналишлари бўлиб ҳисобланмаган ва ХТҚХК йўналишларининг регионал тармоғининг бир қисми бўлиб ҳисобланмаган йўналишлари учун — «H», «J», «V», «W» ҳарфлари;

ХТҚХК йўналишларининг регионал тармоғини бир қисми бўлиб ҳисобланмаган минтақавий навигация йўналишлари бўлмаган йўналишлари учун — «Q», «T», «Y», «Z» ҳарфлари.

7. Қуйидагиларга мувофиқ асосий индексга префикс сифатида яна битта ҳарф қўшилади:

вертолётлар томонидан фойдаланиш учун асосий шаклда ўрнатиладиган ва паст баландликда ўтаётган йўналишни белгилаш учун — «K» ҳарфи;

самовий ҳудуднинг юқори қисмида ўрнатиладиган йўналишни ёки унинг бир қисмини белгилаш учун — «U» ҳарфи;

фақатгина юқори тезлик билан учиб вақтида ва тормозланишда, тезликни оширишда товушдан тез учадиган ХКларидан фойдаланиш учун мўлжалланган йўналишни белгилаш учун — «S» ҳарфи.

8. ХТҚХКнинг тегишли йўналишини асосий индексига қуйидагиларга мувофиқ қўшимча ҳарф қўшилиши мумкин:

йўналишда ёки унинг бир қисмида фақат консультаив хизмат таъминланганлигини белгилаш учун — «F» ҳарфи;

йўналишда ёки унинг бир қисмида фақат парвоз-маълумотлари хизмати таъминланганлигини белгилаш учун — «G» ҳарфи.

3-§. Асосий индексларнинг берилиши

9. Асосий магистрал йўналишига унинг бутун масофаси бўйича диспетчерлик районларини, давлатларни ёки минтақаларни кесиб ўтилишига боғлиқ бўлмаган равишда битта индекс берилади.

10. Агар иккита ёки бир нечта магистрал йўналишлари умумий участкага эга бўлса, ХТҚХКни таъминлашда қийинчиликларни вужудга келтиришидан ташқари, бу участканинг тегишли йўналишларини ҳар бирига индекслар белгиланади, агар ХТҚХКни таъминлашда қийинчиликлар вужудга келса, барча томонларнинг келишувига кўра фақат битта индекс берилади.

11. Битта йўналишга берилган асосий индекс бошқа йўналишга берилмайди.

12. Индексларга бўлган эҳтиёжни ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида ИКАОнинг регионал бюросига хабар берилади.

4-§. Алоқани олиб борилишида индекслардан фойдаланиш

13. Ҳарф босиш алоқасида индекслар иккитадан кам бўлмаган ва олти-тадан кўп бўлмаган белгилар орқали берилади.

14. Нутқий алоқада индекснинг асосий ҳарфи ИКАОнинг фонетик алифбосига мувофиқ талаффуз қилинади.

15. Агар нутқий алоқада мазкур илованинг 7-бандида кўрсатилган «К», «U» ва «S» префиксларидан фойдаланилганда, улар қуйидаги шаклда талаффуз қилинади:

«К» — «КОПТЕР»;

«U» — «АППЕР»;

«S» — «СУПЕРСОНИК».

16. Ушбу илованинг 8-бандида кўрсатилган «F», «G», «Y» ёки «Z» ҳарфларидан фойдаланилганда ҲК экипажидан ушбу ҳарфлардан нутқий алоқада фойдаланишлари талаб қилинмайди.

Ўзбекистон Республикасининг
«Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти
қатновига хизмат кўрсатиш» авиация
қоидаларига (ЎзР АҚ-71)
3-ИЛОВА

Учиш ва учиб келишнинг стандарт йўналишларини ва уларнинг схемаларини белгилаш

1-§. Учиш ва учиб келиш стандарт йўналишлари ва уларнинг схемаларининг индекслари

1. Индекслар тизими ҳар бир йўналишни оддий ва бир хил маънога эга бўлган шаклда белгилаш имконини беради ва қуйидагилар ўртасида аниқ фарқни кўрсатади:

учиш ва учиб келиш йўналишлари ўртасида;

учиш ёки учиб келиш йўналишлари ҳамда бошқа ҲТҚХК йўналишлари ўртасида.

2. Ҳар бир йўналиш кодланмаган индекс ва тегишли кодланган индекс билан белгиланади.

2-§. Индексларнинг тузилиши

3. Учиш ёки учиб келиш стандарт йўналишларининг кодланмаган индекслари қуйидагилардан иборат:

асосий кўрсаткичдан;

статус кўрсаткичидан;

йўналиш кўрсаткичидан, агар талаб қилинса;

«учиш» ёки «учиб келиш» сўзларидан;

ВПҚ бўйича парвозларни бажарувчи ХК учун белгиланган йўналиш бўлса, «визуал» сўзидан.

4. Асосий кўрсаткич бўлиб, учиш стандарт маршрути тугаётган ёки учиб келиш стандарт маршрути бошланаётган асосий нуқтанинг номи ёки кодланган номи ҳисобланади.

5. Статус кўрсаткичи бўлиб, 1 дан то 9 гача бўлган сон ҳисобланади.

6. Йўналиш кўрсаткичи битта ҳарф билан ифодаланади. Бунда «I» ва «O» ҳарфларидан фойдаланилмайди.

7. Учиш ёки учиб келиш стандарт йўналишининг кодланган индекслари қуйидагилардан иборат:

асосий нуқтанинг код номидан ёки кодланган индексидан;

статус кўрсаткичидан;

йўналиш кўрсаткичидан, агар талаб қилинса.

3-§. Индексларнинг берилиши

8. Ҳар бир йўналишга алоҳида индекс берилади. Бунда «I» ва «O» ҳарфларидан фойдаланилмайди.

4-§. Статус кўрсаткичининг берилиши

9. Ҳар бир йўналишга статус кўрсаткичи берилади. Биринчи статус кўрсаткичи сифатида «1» сони берилади.

Йўналиш ўзгарган тақдирда, янги статус кўрсаткичига тартиб бўйича кейинги сонлар берилади. Бунда «9» сонидан кейин такроран «1» сони келади.

5-§. Кодланган ва кодланмаган индексларга мисоллар

10. 1-мисол. Ускуналар бўйича учишнинг стандарт йўналиши бўйича: кодланмаган индекс «SHERABAD ONE DEPARTURE» бўлиб белгиланади;

кодланган индекс «НА 1» бўлиб белгиланади.

2-мисол. Ускуналар бўйича учиб келишнинг стандарт йўналиши бўйича:

кодланмаган индекс «TOLIB TWO ALPHA ARRIVAL» бўлиб белгиланади;

кодланган индекс «TOLIB 2A» бўлиб белгиланади.

3-мисол. «Визуал» учишнинг стандарт йўналиши бўйича:

кодланмаган индекс «ADOLA FIVE BRAVO DEPARTURE VISUAL» бўлиб белгиланади;

кодланган индекс «ADOLA 5 B» бўлиб белгиланади.

6-§. Алоқани олиб борилишида индекслардан фойдаланиш

11. Нутқий алоқада фақатгина кодланмаган индексдан фойдаланилади. Йўналишларни кодланмаган индекслар билан белгилашда «учиш», «учиб келиш» ва «визуал» сўзлари зарур элементлар бўлиб ҳисобланади.

12. Ҳарф босиш орқали ёки кодланган алоқада фақатгина кодланган индексдан фойдаланилади.

7-§. ХТҚХК ходимлари учун йўналишлар ва схемалар тўғрисидаги маълумотларнинг индикацияси

13. ХТҚХК ходимларининг ХК йўналишларини белгилаб берувчи иш жойлари кодланмаган ва кодланган индекслар, қўнишга киришнинг ҳар бир схемаси, учиш ва (ёки) учиб келиш стандарт йўналишининг ҳар бири тўғрисида батафсил маълумотининг индикацияси таъминланади. Бунда имконият бўлса, йўналиш ва схемаларнинг график тасвирини индикацияси таъминланади.

Ўзбекистон Республикасининг
«Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти
қатновига хизмат кўрсатиш» авиация
қоидаларига (ЎЗР АҚ-71)
4-ИЛОВА

Асосий нуқталарни ўрнатиш ва белгилаш

1-§. Асосий нуқталарни ўрнатиш

1. Асосий нуқталар ердаги радионавигацион воситаларига боғланиш билан ўрнатилади.

2. Ердаги радионавигацион воситалари бўлмаганда асосий нуқталар, визуал кузатиш йўли билан (ВПҚ бўйича парвоз қилишда) ёки бортга оид автоном навигацион воситалари ёрдами билан аниқланиши мумкин бўлган жойларда ўрнатилади.

2-§. Радионавигацион воситаларининг жойлашиши бўйича белгиланган асосий нуқталари учун индекслар

3. Радионавигацион воситаларининг жойлашиши бўйича белгиланадиган асосий нуқталарнинг номларига осон таниладиган ва маълум географик ўринга эга бўлган ном берилади.

Асосий нуқта учун номни танлашда қуйидаги шартларга риоя қилиниши таъминланиши лозим:

асосий нуқтанинг номи ХТҚХК ходимлари ёки ХҚнинг экипажи томонидан талаффуз қилинишида қийинчилик яратмаслиги;

асосий нуқтанинг номи нутқий алоқада осонлик билан аниқланиши ва шу райондаги бошқа асосий нуқталарнинг номланишидан фарқли бўлиши;

асосий нуқтанинг номи олти харфдан иборат бўлиб, учта бўғиндан ошмаслиги;

танланган ном асосий нуқта ва унинг радионавигацион воситалари учун бир хил белгиланиши.

4. Кодланган индекс ва радионавигацион воситаларининг чақирув номерлари бир хил бўлиб ҳисобланади.

5. Индексларнинг номланиши радионавигация воситалари турган жойдан 1100 км доирасида бир-бирини такрорламаслиги керак.

6. Битта жойда бўлган ва битта жойда жойлашган частота спекторларининг турли диапазонларда ишловчи иккита радионавигация воситалари, улар қоида бўйича бир хил радионимланишга эга бўлади.

7. Кодланган индексларга бўлган эҳтиёжларни ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида ИКАОнинг регионал бюросига хабар берилади.

3-§. Радионавигацион воситаларининг жойлашиши бўйича белгиланмаган асосий нуқталари учун индекслар

8. ХТҚБ мақсадида фойдаланиладиган ва радионавигацион воситаларининг жойлашиши бўйича белгиланмаган жойда асосий нуқта талаб қилинган тақдирда, у осонлик билан талаффуз қилинадиган кодланган ном билан алоҳида бешта харф билан белгиланади. Бундай индексининг кодланган номи асосий нуқтанинг номи ва кодланган индексининг номи билан бир хил бўлади.

9. Индексининг кодланган номи ХТҚХК ходимлари ёки ХҚнинг экипажи томонидан талаффуз қилинишида қийинчилик яратмаслиги лозим (масалан: «TOLIB», «TONIR»).

10. Индекснинг кодланган номи нутқий алоқада осонлик билан аниқланиши ва шу райондаги бошқа индексларнинг номланишидан фарқли бўлиши керак.

11. Асосий нуқтага берилган осонлик билан талаффуз қилинадиган алоҳида бешта харфдан иборат бўлган кодланган индекснинг номи бошқа хар

қандай асосий нуқтага берилмайди. Асосий нуқтанинг жойлашган жойи ўзгарганда, асосий нуқтага янги кодланган индекснинг номи берилади.

12. Кодланган индексларнинг номларига бўлган эҳтиёжларни ўзaro мувофиқлаштириш мақсадида ИКАОнинг регионал бюросига хабар берилади.

4-§. Алоқани олиб борилиши вақтида индекслардан фойдаланиш

13. Нутқий алоқа орқали асосий нуқтага хавола қилиш учун ушбу илованинг 2 ёки 3-параграфларида белгиланган номлардан фойдаланилади. Агар бундай қилишнинг имкони бўлмаса, ушбу кодланган ном нутқий алоқада ИКАОнинг фонетик алифбосига мувофиқ талаффуз қилинадиган кодланган номга алмаштирилади.

14. Ҳарф билан босиладиган ва кодланган алоқа учун асосий нуқтага таянишда, фақатгина кодланган индекс ёки кодланган номдан фойдаланилади.

5-§. Хабарларни етказилиши учун фойдаланиладиган асосий нуқталар

15. ҲТҚХК органлари ҲК парвози ҳақидаги маълумотни олишлари учун хабарларни етказиш пункти сифатида алоҳида асосий нуқталарни тайинлаш зарурати келиб чиқиши мумкин.

16. Бундай пунктларни белгилашда қуйида келтирилган омиллар ҳисобга олинади:

ҲТҚХКнинг тақдим этиладиган тури;
хаво транспорти қатновининг интенсивлиги;
ҲКнинг парвоз режасига риоя қилишининг аниқлиги;
ҲКнинг тезлиги;
эшелонлаштириш минимумларининг қўлланилиши;
самовий ҳудудлардаги таркибнинг мураккаблиги;
фойдаланиладиган бошқариш услуби;
парвознинг бошланғич ёки асосий тугаш босқичлари (баландликни олиши, пасайиши, йўналишнинг ўзгариши ва бошқалар);
ҲТҚБни топшириш тартиби;
хавфсизлик ва қидирув-қутқарув аспектлари;
«хаво-ер» икки томонлама алоқа каналларининг ва ҲК экипажининг юкланишини.

17. Хабарларни узатиш пунктлари сўров бўйича хабарларни узатиш пунктлари сифатида ёки хабарлар узатилиши шарт бўлган пункт сифатида белгиланади.

18. Хабарлар узатилиши шарт бўлган пунктларни ўрнатилишида қуйидагилар қўлланилади:

хабарлар узатилиши шарт бўлган пунктларнинг сони минимумлаштирилиши;

хабарлар узатилиши шарт бўлган пунктлар, қоида тариқасида, диспетчерлик районларида ёки ПКМР чегараларида ўрнатилиши.

Ўзбекистон Республикасининг
«Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти
катновига хизмат кўрсатиш» авиация қоида-
ларига (ЎзР АҚ-71)
5-ИЛОВА

Кутилмаган вазиятларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар

1-§. Кутилмаган вазиятларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаларининг муддати

1. Кутилмаган вазиятларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар вақтинчалик хусусиятга эга ва улар нормал ҳолатдаги хизмат тикланмагунга қадар амалга оширилади.

2-§. Кутилмаган вазиятларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаларининг ишлаб чиқилиши, эълон қилиниши ва бажарилиши учун жавобгарлик

2. Аниқ самовий ҳудуддаги ЎАНМ ХТҚХКнинг бузилиши ҳолатларида ёки потенциал бузилишида фуқаро авиацияси парвозлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш ҳамда имкон даражасида хизмат кўрсатишнинг турлари ва альтернатив воситаларини тақдим этилиши учун жавобгар. Шу сабабли ЎАНМ кутилмаган вазиятларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиши, эълон қилиши ва бажариши лозим.

3. Самовий ҳудуддаги ХТҚХК ваколати бошқа давлатга берилганда кутилмаган вазиятларда чоралар кўриш бўйича жавобгарлик ушбу ваколатларни қабул қилган давлат зиммасига юклатилади, агар ушбу ваколатларни берувчи давлат уларни қайтариб олмаса. Ваколатларни берувчи давлат ушбу ваколатларни қайтариб олган тақдирда кутилмаган вазиятларда чоралар кўриш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3-§. Тайёрланиладиган чора-тадбирлар

4. ЎАНМ кутилмаган вазиятларда ўз вақтида чоралар кўрилишини таъминлаш мақсадида қуйида кўрсатилган тайёрланиши лозим бўлган чора-тадбирларни амалга оширади:

ХТҚХКга таъсир қилувчи одатда олдиндан хабардор бўладиган ҳодисаларга, яъни иш ташлашлар, меҳнат низолари каби ҳодисаларга мўлжалланган кутилмаган вазиятларда амалга ошириладиган умумий чора-тадбирлар режалари тайёрланишини;

ҳарбий низолар ёки фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашув ҳаракатлари натижасида, шунингдек жамоат соғлиғини сақлаш соҳасидаги юзага келадиган ва бўлиши мумкин бўлган фавқулоддаги ҳолатларда ёки табиий офатлар натижасида ХК парвозларига бўлган хавфни баҳолашни.

4-§. Кутилмаган вазиятларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаларини мувофиқлаштириш

5. Агар ХТҚХКнинг бузилиши бир нечта давлатга дахлдор бўлса, ушбу давлатлар билан мувофиқлаштирилиши ва расмий равишда келишилиши зарур.

6. Фавқулоддаги чораларга ўтиш тартибини таъминлаш зарурияти юзага келган ҳолларда, кутилмаган вазиятларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаларининг мувофиқлаштирилишида барча манфаатдор давлатлар билан олдиндан келишиб олинган муддатларда тарқатиладиган бир хил шаклдаги «NOTAM» матинининг тафсилотини келишиш назарда тутилиши лозим.

5-§. Кутилмаган вазиятларда хабар бериш

7. Аэронавигацион хизматидан фойдаланувчилар имкон қадар олдиндан кутилаётган ёки амалдаги ХТҚХКнинг бузилишлари тўғрисида «NOTAM» орқали хабардор қилиниши лозим. Бунда ХТҚХКнинг бузилиши олдиндан маълум бўлган ҳолларда хабар 48 соатдан кечиктирилмасдан тарқатилиши керак.

8. «NOTAM» хабарлари кутилмаган вазиятларда амалга ошириладиган тегишли чора-тадбирлар режалари тўғрисидаги маълумотлардан таркиб топган бўлиши керак.

9. Махсус чораларнинг қўлланилиши ва ХТҚХКнинг нормал иш фаолияти тикланганлиги тўғрисидаги хабар нормал эксплуатацион шароитларга ўтишини таъминлаши учун «NOTAM» орқали қисқа муддатларда тарқатилиши лозим.